

Ватан ҳимоясига отланган талабалар

Жорий йилнинг 7 июлида, якшанба куни, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмасида таҳсил олаётган талабаларни ҳарбий қасамёдга келтириш тадбири бўлиб ўтди. Тадбир ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмаси бошлиғи подполковник Рафик Зильевич Минлишевнинг институт ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Умурзаков Ўқтам Пардаевичга ахборот бериши билан бошланди. Тадбирда талабаларнинг ота-оналари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар фахрийлари, институт профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.



Ҳарбий қасамёд қабул қилганларни подполковник Рафик Зильевич Минлишев, профессор Умурзаков Ўқтам Пардаевич, барча талабалар ота-оналари номидан Ғайрат Темиров, талабалар номидан Азиз Абдиевлар қизғин муборакбод этдилар.

Саф майдони бўйлаб талабаларнинг тантанали ўтишлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардиясидан ташриф буюрган катта лейтенант Камол Зоиров бошчилигидаги байроқдор гурух, катта лейтенант Жавлонбек Мансуров бошчилигидаги фахрий қоровул батальони шахсий таркибининг кўргазмали чиқишилари, капитан Рамиль Асфандияров бошчилигидаги алоҳида намунали ҳарбий кўргазмали оркестрнинг чиқишилари тадбирга юқори кайфият бағишилади.



Тадбир якунида, институт ректори томонидан 2018/2019 ўқув йилида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида таҳсил олаётган талабалардан заҳираидаги ва резервдаги офицерларни тайёрлашда эришган ютуқлари, ёш авлодни тарбиялашдаги ҳиссалари, ўз мажбуриятларини вижданан бажарганлиги, намунали интизоми, ўқиши ҳамда хулқи билан бошқаларга ўрнак бўлганлиги учун ҳамда «ҳарбий қасамёд» қабул қилиш куни муносабати билан бир гурӯҳ талабалар, профессор ўқитувчилар муносиб рағбатлантирилди.

Талабаларни ҳарбий қасамёдга келтиришдаги ташкилий ишларга амалий ёрдам кўрсатган Ўзбекистон Республикаси миллий гвардияси бўлинмалари масъулларига ҳамда ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмасида ўқув жараёнини доимий равишда оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб боришда фаол иштирок этган, Республика Мудофаа вазирлиги Ватанпарвар бирлашган таҳририяти ходимларига институт ректорининг ташаккурномалари топширилди. Тақдирлаш маросимидан кейин, ҳарбий қасамёд қабул қилган талабалар ва уларнинг ота - оналарига Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий ашула ва рақс ансамблининг концерт дастури намойиш этилди.



Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳарбий кафедраси катта ўқитувчиси Эргашев Хайдар Икрамович ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов